

## Асосий иқтисодий күрсаткичлар

	Млрд. сүм	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	1942,1	105,1
Саноат маҳсулоти	1929,5	104,3/104,5*
Истеъмол товарлари	826,8	108,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	915,3	105,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	601,9	107,3
Курилиш ишлари	258,4	110,9
Юк айланмаси млн. тн-км	202,7	105,6
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	695,7	106,6
Чакана товар айланмаси	904,2	111,2
Жами хизматлар	650,4	110,5
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	118,3	92,2
Экспорт	66,0	118,1
Импорт	52,3	72,2
Сальдо (+;-)	13,7	x

\*) энергетика корхоналарисиз.

## **Ялпи худудий маҳсулот ишилаб чиқариш**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнида ишилаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 1942,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 5,1 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,5 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қўйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи худудий маҳсулот, жами</b>	<b>1657,7</b>	<b>1942,1</b>	<b>105,1</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1551,0	1799,0	105,1
Маҳсулотларга соғ солиқлар	106,6	143,1	104,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1551,0</b>	<b>1799,0</b>	<b>105,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	232,7	282,2	105,2
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	621,5	695,6	103,2
саноат	521,9	579,9	101,7
курилиш	99,7	115,7	110,9
Хизматлар	696,8	821,1	106,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	146,9	181,7	111,2
ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа хизматлари	140,4	156,9	107,7
бошқа хизматлари	409,4	482,5	104,9

Январь-июнида ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати



Маҳсулотларга соғ солиқлар



Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги



Саноат (курилишни қўшган ҳолда)

Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (110,9%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (111,2%), ва ташиш, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (107,7%) тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат хиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 65,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) хиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнига нисбатан 0,1 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнида ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 45,7 фоиз (2016 йил январь-июнида 45,0 фоиз)ни ташкил қилди.

## **Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи**

(фермер ва дэхқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 10066 тани ташкил қилиб, шундан 9252 таси ёки 91,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2750 та (27,3 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1222 та (12,1 фоизи), саноат 1166 та (11,6 фоизи), қурилиш 839 та (8,3 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 533 та (5,3 фоизи), соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

Жами	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>10066</b>	<b>100,0</b>	<b>9252</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1222	12,1	1092	11,8
саноат	1166	11,6	1093	11,8
қурилиш	839	8,3	754	8,1
савдо	2750	27,3	2484	26,9
ташиш ва сақлаш	584	5,8	535	5,8
яшаш ва овқатланиш	533	5,3	485	5,2
ахборот ва алоқа	178	1,8	165	1,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	118	1,2	114	1,2
бошқа тармоқлар	2676	26,6	2530	27,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 32,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 55,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз хисобида



2017 йил январь-июнида жами 807 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 776 та). Уларнинг асосий қисми Гулистан шахрига (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 27,8 фоизи), Янгиер шахри (12,6 фоиз), Сирдарё (17,0 фоиз), Гулистан (8,1 фоиз), туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,4 фоизи савдо, 20,6 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 19,0 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 584 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 153 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 26,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## **Кичик тадбиркорлик (бизнес)**

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (дехқон, фермер хўжаликларисиз) сони 8041 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнида ялпи худудий маҳсулотнинг 65,3 фоизи (2016 йил январь-июнида 65,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 270,9 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 78,4 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 102,7 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 168,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1005,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 52,0 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 109,1 фоизни ташкил қилди;

- 905,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотларини (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб (умумий қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 5,9 фоизга ўсиши таъминланди;

- 261,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 43,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 21,7 фоизга ўсади;

- 239,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,6 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 12,2 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,0 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 6,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,7 фоизи ёки 838,4 млрд. сўми (ўсиш 1,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 62,9 фоизи ёки 409,3 млрд. сўми (ўсиш 8,1 фоиз) шакллантирилди;


- 41,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 62,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 44,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 85,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	441,3	58,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	905,8	99,0
Курилиш	190,8	44,5
Чакана савдо	753,6	74,2
Юқ ташиш, млн тн.	7,2	63,7
Йўловчи ташиш, млн.киши	61,0	86,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	41,1	0,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	44,6	9,9

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-июнига ташқи савдо айланмаси 118,3 млн. АҚШ долларини, жумладан 66,0 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 52,3 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси (13,7) млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	Январь-июнь		2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
	2016 й.	2017 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>128,3</b>	<b>118,3</b>	<b>92,2</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	25,6	37,6	146,9
бошқа давлатлар	102,7	80,7	78,5
<b>Экспорт</b>	<b>55,9</b>	<b>66,0</b>	<b>118,1</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	13,0	25,4	195,7
бошқа давлатлар	42,9	40,6	94,6
<b>Импорт</b>	<b>72,4</b>	<b>52,3</b>	<b>72,2</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	12,6	12,2	96,6
бошқа давлатлар	59,8	40,1	67,0

2017 йил январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қўйидагича ифодаланади:



2017 йилнинг январь-июнида вилоят экспорт-импорти таркиби қўйидагича ифодаланади:


	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида 2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>118,1</b>
пахта толаси	40,7	25,4	73,7
озик-овқат маҳсулотлари	12,6	12,5	116,7
кимё маҳсулотлари ва ундан тай-ёрланган буюмлар	1,9	0,8	50,6
қора ва рангли металлар	0,4	0,1	32,9
машина ва ускуналар	7,7	7,6	116,3
хизматлар	0,7	0,6	105,7
бошқалар	36,0	53,0	173,7
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>72,2</b>
озик-овқат маҳсулотлари	3,8	9,2	173,5
кимё маҳсулотлари ва ундан тай-ёрланган буюмлар	32,0	45,3	102,4

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида	Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида	
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	-	0,4	5,9мк
кора ва рангли металлар	0,7	7,5	7,6мк
машина ва ускуналар	42,4	28,2	48,0
Хизматлар	2,0	0	0,6
бошқалар	19,1	9,4	35,5


Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 й.  
январь-июнь



2017 й.  
январь-июнь



Европа

Осиё

Америка


2017 йилнинг январь-июнида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоят товар айланмасида улуси, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Россия	11,2	105,0
Хитой	35,2	61,8
Туркия	2,5	172,3
Туркманистон	0,2	28,7
Қозоғистон	14,9	2,3мк
Украина	4,4	129,0
Эрон	9,8	77,1


2017 йил январь-июнида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

### Экспорт

#### МДХ




#### Бошқа хориж давлатлари




### Импорт

#### МДХ



#### Бошқа хориж давлатлари



- █ Пахта толаси
- █ Озиқ-овқат маҳсулотлари
- █ Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- █ Энергия манбалари
- █ Қора ва рангли металлар
- █ Машина ва ускуналар
- █ Хизматлар
- █ Бошқалар

## Саноат

2017 йил январь-июнида саноат маҳсулоти ҳажми 1929,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 826,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-июнига нисбатан 108,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 529,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 297,0 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2016 йил январь-июнига нисбатан мос равища 109,9 фоиз ва 104,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 15,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>1929,5</b>	<b>104,3</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>5,2</b>	<b>120,8</b>
улардан:		
Тоғ- кон саноатининг бошқа турлари	5,2	120,8
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1247,1</b>	<b>104,3</b>
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	565,3	109,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	450,9	93,7
Ёғоч ва пўқак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	14,7	164,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,1	96,7

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	9,6	112,4
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	52,2	89,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	116,1	143,5
Металлургия саноати	2,2	104,4
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	7,0	111,5
Бошка тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	22,9	95,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	6,1	98,4
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>667,2</b>	<b>104,1</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш</b>	<b>10,0</b>	<b>111,5</b>
<b>Истельмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>826,8</b>	<b>108,0</b>
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	529,8	109,9
ноозиқ-овқат товарлари	297,0	104,7


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

Январь-июнь  
2016й.



Январь-июнь  
2017й.



- Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш  
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 й январь-июнига нисбатан %
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Куйиш учун тайёр бетон	тн	156	8,8
Курилиш учун қоришималар ва аралашмалар	тн	89	23,0
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	минг тн	34,1	143,1
Кўндаланг кесимининг диаметри 3 мм дан кам бўлмаган, ячейкалари 100 кв,см дан кам бўлмаган темир ёки пўлат симдан цементлаш ва суваш учун ишлатиладиган қоғоз массаси қўшиб, кесишиган жойлари пайвандланган панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар	тн	72,1	144,8

	Үлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 й январь-июнига нисбатан %
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттىк чиқиндиilar	МИНГ ТН	24,7	106,1
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	ТН	584	99,5
Дон экинларини қайта ишлашдан хосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндиilar	МИНГ ТН	5,9	108,3
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	МИНГ ТН	14,3	77,2
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	МИНГ ТН	2,4	115,8
Ёғоч целлюлозаси ва бошқа толали материаллардан олинган целлюлоза	КГ 90% С.В.	1097380	14,4МК
Пластмассадан ўрамлардаги ёки плитка шаклидаги пол, девор ва шифт учун қопламалар	МИНГ М2	1,8	4,1МК
Бошқа гурухларга киритилмаган бўлак, бруск ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	ТН	820,4	93,5
Чакана савдо учун қадоқланган, таркибида бошқа антибиотиклар бўлган медикаментлар	ТН	3,2	31,4
Чакана савдо учун қадоқланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар	ТН	319,9	78,2
Арок	МИНГ Л 100% спирт	575,4	101,4
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ ТН	19,0	111,9
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	ТН	150	90,4
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН	622	118,5
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари	МИНГ ТН	5,4	109,2
Пахта толаси	МИНГ ТН	29,6	70,1
Пахта чигити	МИНГ ТН	47,5	70,1
Пахта тивити (линт)	МИНГ ТН	2,9	66,6

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 й январь-июнига нисбатан %
--	------------------	-------------------------	---------------------------------------

### Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш


Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	8217,6	96,4
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	70,6	48,5

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 915,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизни, шу жумладан, Дехқончиликда 552,9 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизни, чорвачиликда, 339,3 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни, балиқчилик хўжаликларида, 6,0 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 111,4 фоизни, овчилик хўжаликларида 0,2 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 97,0 фоизни, ўрмончилик хўжалигига 1,1 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни, ва бу соҳаларда қишлоқ хўжалигига кўрсатилган хизматлар ҳажми 15,8 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуидагича ифодаланади:

#### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Хосил йигими.** 2017 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 471121 тонна жами галла (0,8 фоизга кўп) етиштирилди, 471121 тонна бошоқли дон (0,8 фоизга қўп), 469905 тонна буғдой (0,8 фоизга қўп), 69326 тонна сабзавот (9,5 фоизга қўп), 17048 тонна полиз (7,3 фоизга қўп), 5631 тонна мева (9,6 фоизга қўп), 347 тонна узум (11,9 фоизга қўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 5,3 фоизга (жами 430,1 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 1,6 фоизга (151,4 минг бош), қўй ва эчкилар 6,5 фоизга (309,9 минг бош), отлар 5,4 фоизга (13947 бош), паррандалар 8,8 фоизга (1927,3 минг бош) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий хажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 97,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 75,4 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қўйидагicha:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>430130</b>	<b>105,3</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	26616	104,5
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	398548	105,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4966	101,1
<b>улардан сигирлар</b>	<b>151360</b>	<b>101,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	7580	101,4
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	142061	101,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1719	100,2
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>309860</b>	<b>106,5</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	25772	102,9

	минг бош	ўсиш суръати, %
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	280405	106,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3683	101,3
<b>Отлар</b>	<b>13947</b>	<b>105,4</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1337	100,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	12545	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	65	101,6
<b>Паррандалар</b>	<b>1927349</b>	<b>108,8</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	292848	104,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1355749	110,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	278752	103,3


Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида йирик шохли қорамолларнинг улуши 92,7 фоизни, фермер хўжаликлирида эса 6,2 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда деҳқон хўжаликлирида 93,9 ва фермер хўжаликлирида 5,0 фоизни, қўй ва эчкилар деҳқон хўжаликлирида 90,5 ва фермер хўжаликлирида 8,3 фоизни, отлар деҳқон хўжаликлирида 89,9 ва фермер хўжаликлирида 9,6 фоизни, паррандалар деҳқон хўжаликлирида 70,3 ва фермер хўжаликлирида 15,2 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 33,7 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 9,1 фоизга кўп), 141,7 минг тонна сут (5,7 фоизга кўп), 68,6 млн. дона тухум (10,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил Январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари куйидагича:

	миңдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>33703</b>	<b>109,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	766	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	32796	109,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	141	106,0
	<b>141715</b>	<b>105,7</b>
<b>Сут, минг тн.</b>		
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4489	114,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	134214	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3012	153,8
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>68,6</b>	<b>110,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,4	103,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	48,3	110,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	16,9	109,0

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қўйидагича ифодаланади:  
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 334,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,7 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги фермер хўжаликларининг улуши 36,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 26,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 7,6 минг бош сигир, 25,8 минг бош қўй ва эчкилар, 1337 бош от, 292,8 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўйидагича ифодаланади:

	январь-июнь					2016 январь- июнига нисбатан фоиз хисобида	
	2016 йил		2017 йил				
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз			
Сабзавот	6298	9,9	7155	10,3		113,6	
Гўшт, тирик вазнда	719	2,3	766	2,3		106,5	
Сут	3916	2,9	4489	3,2		114,6	
Тухум, минг дона	3234,0	5,2	3342,0	4,9		103,3	

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 601,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>601,9</b>	<b>107,3</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>203,0</b>	<b>85,1</b>	<b>33,7</b>
бюджет маблағлари	156,0	96,0	25,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	42,9	82,7	7,1

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2,7	68,7	0,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,4	6,9	0,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>398,9</b>	<b>123,9</b>	<b>66,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	175,3	118,9	29,1
аҳоли маблағлари	51,4	72,3	8,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	37,0	159,8	6,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	135,2	169,2	22,5

2017 йил январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>601,9</b>	<b>218,8</b>	<b>383,1</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100,0	100,0	100,0
курилиш-монтаж ишлари	61,1	89,4	44,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жихозлар	35,3	7,0	51,5
бошқа ҳаражатлар	3,6	3,6	3,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 12,1 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жихозлар қиймати улуши 11,5 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,6 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида



### Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2017 йил январь-июнида умумий майдони 42,2 минг кв.м. бўлган 363 та (2016 йил январь-июнига нисбатан 55,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 31,9 минг кв.м. (55,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 81,6 млрд. сўми ёки 53,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассаллари қурилиши ва қайта таъмирлашда 3,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,6 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 19,9 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш обьектларини реконструкция ишларида 4,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,0 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 34,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 1,6 км узунликдаги ичимлик суви, 0,5 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнига нисбатан мос равишда 17,6 ва 125,0 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 4781,6 млн.сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобига 1904,9 млн.сўм (39,8 фоизи), чет эл кредитлари ҳисобига 402,5 млн.сўм (8,4 фоизи), ташкилот маблағлари ҳисобига 654,2 млн.сўм (13,7 фоизи), маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 1820,0 млн.сўм (38,1 фоизи) ўзлаштирилди. Газ тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 2,5 млн.сўм (100 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-июнида 258,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 110,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 21,2 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 12,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 62,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 247,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуси 95,9 фоизни (2016 йил январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 117,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

#### Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш,** 2017 йил январь-июнида барча транспорт турлари томонидан 7,7 млн, тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга кўп, Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 202,7 млн,тн-км, ни ташкил қилди ва 5,6 фоизга кўпайди.

**Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:**

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Ташилган юқ, млн, тн	7,7	106,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	7,7	106,4
Юк айланмаси, млн, тн-км	202,7	105,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	202,7	105,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-июнига нисбатан 4,6 фоизга кўпайди ва 170,0 млн, тн-км, ни ташкил қилди, Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 96,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнида 96,1 фоиз),

**Йўловчи ташиш,** 2017 йил январь-июнида барча транспорт турлари томонидан 63,0 млн, киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга кўпайган, Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 6,6 фоизга кўпайиб, 695,7 млн, йўловчи-км, ни ташкил қилди,

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн, киши	63,0	106,2
шу жумладан, автомобил транспортида	63,0	106,2
Йўловчи айланмаси, млн, йўловчи-км	695,7	106,6
шу жумладан, автомобил транспортида	695,7	106,6

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнига нисбатан 5,0 фоизга кўпайди ва 534,9 млн, йўловчи-км, ни ташкил қилди, Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 96,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнида 96,2 фоиз).

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнида чакана товар айланмаси 904,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,2 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
<b>Жами</b>	<b>904,2</b>	<b>111,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	904,2	111,2	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	-	-	-

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнида 345,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,3 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 474,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,1 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнида чакана савдо айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>904,2</b>	<b>111,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	345,3	110,3	38,2
Якка тартибдаги тадбиркорлик	474,0	115,1	52,4
уюшмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	84,9	100,3	9,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 13,8 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнига нисбатан 15,7 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) ахоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 10,0 фоизга ошди ва 1121,9 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойиларида 915,9 минг сўмни ташкил этган).

**2017 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 650,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан кишлоқ жойларида 181,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,9 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-июнига нисбатан ўсиш 110,5 фоизни ташкил этди.


Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнида қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>650,4</b>	<b>110,5</b>	<b>100</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	63,1	111,0	9,7
молиявий хизматлар	94,0	118,0	14,5
транспорт хизмати	84,9	107,1	13,1
шу жумладан автотранспорт хизматлари	79,7	106,2	12,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	16,4	115,6	2,5
савдо хизматлари	243,0	110,5	37,3
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	21,4	105,2	3,3
таълим соҳасидаги хизматлар	23,2	108,7	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	11,3	114,8	1,7
ижара ва прокат хизматлари	12,2	107,1	1,9
компьютерларни ва майший товар- ларни таъмирлаш хизматлари	24,5	107,6	3,8
бошқа шахсий хизматлар	23,3	107,6	3,6
меъморчилик, мухандислик изланиш- лари, техник синовлар	8,1	107,1	1,2
бошқа турдаги хизматлар	25,0	105,4	3,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 13,1фоизи), савдо хизматлари (37,3фоизи) ва молия хизматлар (14,5фоиз)га хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (18,0 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (15,6 фоиз), савдо хизматлари (10,5 фоиз) ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларида (14,8 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони дастлабки маълумотларга асосан 808,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5,8 минг кишига ёки 100,1 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнида қўйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	8400	8244	-156	21,3	20,6
Ўлганлар	2126	1981	-145	5,4	5,0
шу жумладан бир ёш- гача болалар	143	123	-20	-	-
1000 туғилган болалар- га нисбатан					
Табиий ўсиш	6274	6263	-11	15,9	15,7
Никоҳлар	2021	2003	-18	5,1	5,0
Ажралишлар	450	495	45	1,1	1,2

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 8244 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8400 киши) нисбатан -156 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 20,6 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (21,3 промилле) камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Янгиер шахри (20,7 дан 22,0 промиллега), Гулистан туманида (20,7 дан 22,3 промиллега), Ховос (19,3 дан 20,4 промиллега), Сардоба туманида (22,5 дан 24,0 промиллега), туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 1981 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (2126 киши) нисбатан -145 тага камайди. Мос равища ўлим коэффициенти 5,0 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнида 5,4 промилле)га камайди.

Ўлганлар сонининг купайиши Оқолтин туманида (3,8 дан 4,7 промиллега), Гулистан туманида (5,4 дан 6,1 промиллега), Сардоба (3,9 дан 4,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,9 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,6 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,1 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,4 фоизи - баҳтсиз ходиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 123 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 65,5 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 25,8 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи – туғма аномалиялардан ва 2,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 2003 та никоҳлар ва 495 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,0 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,1 та) ва 1,2 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 1,1 та) тўғри келади.


<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июн ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4085 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4548 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус - 0,6 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус - 0,8 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиклар Ширин шахрида (- 2,4 ), Гулистан шахри (- 2,2), Сардоба (-2,1 ) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнида қўйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнида нисбатан 1,1 фоизга кўпайиб, 473,8 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,6 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январ-июн ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларидан иш қидиравчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 3196 нафар фуқарони ташкил қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Янгиер (101 кишига), Мирзаобод (55 кишига), Боёвут (50 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 2353 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Гулистан (205 киши) шахрида, Сирдарё (311 киши), Сайхунобод (307 киши), Сардоба (303 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 508 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуидагича ифодаланади:

(киши)

